

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAҲKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ

**RESPUBLIKA OЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА
ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ТАСДИҚЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг 1—3-иловаларга мувофиқ базавий лавозим маошлари 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

2¹. Олий таълим муассасаларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2017 йил 1 сентябрдан жорий этилсин.

(2¹-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 617-сонли қарорига асосан киритилган — ЎР ҚХТ, 2017 й., 33-сон, 852-модда)

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2008 йил 1 сентябргача олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш бўйича зарур тушунтириш ишларини ва ташкилий ишларни амалга оширсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 9 оyi яқунлари бўйича мажлисида ахборот берилсин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг кундузги ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини:

2009/2010 ўқув йилидан бошлаб — 1:10,5;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб — 1:10,0;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб — 1:9,5;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб — 1:9,0 нисбатида белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 617-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 33-сон, 852-модда)

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 1 август,
164-сон

Олдинги таҳрирга қаранг.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
1-ИЛОВА

Олдинги таҳрирга қаранг.

Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари

МИҚДОРЛАРИ

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозиммаошлари миқдорлари		
	2018 йил 1 сентябрдан бошлаб	2019 йил 1 январдан бошлаб	2019 йил 1 июлдан бошлаб
1. Кафедра мудири:			
фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	3880000	4656000	5820 000
фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3640000	4368000	5460 000
илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган	3210000	3852 000	4815 000
2. Профессор:			
фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	3700000	4440 000	5550 000
фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва доцент илмий унвонига эга бўлган	3480 000	4176 000	5220 000
фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science)	3320 000	3984 000	4980 000

илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган			
3. Доцент:			
фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	3130 000	3756 000	4695 000
фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	2930 000	3516 000	4395 000
илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган	2620 000	3144 000	3930 000
4. Катта ўқитувчи:			
илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлган	2730 000	3276 000	4095 000
илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлган	2570 000	3084 000	3855 000
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	2350 000	2820 000	3525 000
5. Ассистент, ўқитувчи:			
илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлган	2410 000	2892 000	3615 000
илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлган	2250 000	2700 000	3375 000
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	2090 000	2508 000	3135 000
6. Ўқитувчи-стажер	1850 000	2220 000	2775 000

Изоҳлар:

1. Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (марказлар, институтлар, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

2. Профессор унвонига эга бўлмаган, бироқ фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган, профессор лавозимига бир муддатга қабул қилинган шахсларга базавий лавозим маоши куйидаги миқдорда белгиланади:

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб — 3 130 000 сўм;

2019 йил 1 январдан бошлаб — 3 756 000 сўм;

2019 йил 1 июлдан бошлаб — 4 695 000 сўм.

(1-илова матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
2-ИЛОВА

Олдинги таҳрирга қаранг.

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича
базавий лавозим маошлари**

МИҚДОРЛАРИ

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдорлари		
	2018 йил 1 сентябрдан бошлаб	2019 йил 1 январдан бошлаб	2019 йил 1 июлдан бошлаб
1. Ректор:			
фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	4120 000	4944 000	6180 000
фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3960 000	4752 000	5940 000
2. Проректор:			
фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	3900 000	4680 000	5850 000
фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3700 000	4440 000	5550 000
илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган	3400 000	4080 000	5100 000
3. Филиал директори:			
фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	3900 000	4680 000	5850 000
фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3700 000	4440 000	5550 000
4. Филиал директорининг ўринбосари:			

фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	3700 000	4440 000	5550 000
фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3530 000	4236 000	5295 000
илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган	3270 000	3924 000	4905 000
5. Декан:			
фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	3700 000	4440 000	5550 000
фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3480 000	4176 000	5220 000
илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган	3130 000	3756 000	4695 000
6. Декан ўринбосари:			
фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	3480 000	4176 000	5220 000
фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3320 000	3984 000	4980 000
илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган	2730 000	3276 000	4095 000

Изоҳ:

Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтлар, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

(2-илова матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
3-ИЛОВА

Олдинги таҳрирга қаранг.

**Олий таълим муассасаларининг бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича
базавий лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдорлари
1. Ахборот технологиялари марказлари муҳандислари:	
1-тоифали	834 123
2-тоифали	773 412
тоифасиз	715 141
2. Маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича кадрлар (педагоглар) тайёрловчи олий таълим муассасалари концертмейстерлари:	
етақчи концертмейстер	2046 263
концертмейстер	1821 311
3. Илмий кенгашнинг илмий котиби, олий таълим муассасаси кенгашнинг котиби	
илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлган	2570 000
илмий даражага эга бўлмаган	2140000
4. Ишлаб чиқариш таълими устаси	773 412

(3-илова матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
4-ИЛОВА

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Давлат бюджетидан ёки аралаш тарзда маблағ билан таъминладиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши бюджет ташкилотлари учун қўлланадиган Ягона тариф сеткаси асосида амалга ошириладиган олий таълим муассасаларининг ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга татбиқ этилмайди.

3. Олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи базавий лавозим маошини, шунингдек қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

II. Олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошлари

4. Олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошлари:
олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари;
ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

5. Профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари:
штатдаги лавозимга;
илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

7. Раҳбарлар таркибига олий таълим муассасасининг ректори, проректори, декани, декан ўринбосари, олий таълим муассасаси филиалининг директори, директор ўринбосари лавозимларидаги шахслар киради.

Олдинги тахрирга қаранг.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларида Ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи ва бошлиқнинг ўринбосари лавозимини эгаллаб турган шахслар ҳам раҳбарлар таркибига киради.

(7-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 347-сонли қарори тахририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 23-сон, 472-модда)

8. Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, тажриба ортирувчи ўқитувчи лавозимидагилар киритилади.

Олий таълим муассасасининг кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, тажриба ортирувчи ўқитувчи лавозимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **Низомга** мувофиқ эгалланади.

Олдинги тахрирга қаранг.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

10. Олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошларини ўзгартириш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;

ходим олий таълим муассасасида бошқа лавозимга ўтганда амалга оширилади.

Базавий лавозим маошини ўзгартириш олий таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

Олдинги тахрирга қаранг.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисидаги Фармонлари билан боғлиқ тарзда базавий лавозим маошлари ўзгарган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг педагог ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошларини ошириш ҳақидаги қўшма қарори қабул қилинади.

(11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарори тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

12. Ходим олий таълимнинг битта муассасасида бошқа лавозимга ўтган тақдирда ва шу муносабат билан базавий лавозим маоши ўзгарганда меҳнат шартномаси ўзгариши тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари қўлланилади (VI боб, 3-§).

III. Устамалар ва қўшимча тўловлар

13. Юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда илмий тадқиқотларга аниқ ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан белгиланган тартибда тўланадиган ҳар ойлик устамалар белгиланади.

14. Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланган ва тариф бўйича лавозим маошига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган қўшимча тўлов ва устамаларнинг бошқа

турлари миқдори ушбу Низом кучга кирган вақтдан бошлаб базавий лавозим маошига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

IV. Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари

Олдинги таҳрирга қаранг.

15. Олий таълим муассасаларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш ўқув йилида 200 соатдан ортиқ бўлмаган ҳажмда:

олий таълим муассасасининг штатдаги профессор-ўқитувчилар таркибига ҳамда раҳбар ходимларига, шунингдек, унинг илмий таркибий бўлинмалари илмий ходимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бажарилган ўқув ишлари учун;

бошқа ташкилотлардан жалб этиладиган ўқитувчилар, илмий ходимлар ва бошқа мутахассисларнинг ўқув ишлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

16. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ўқув йили мобайнида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида 200 соатгача педагогик ишларни бажариш ўриндошлик ҳисобланмайди.

(16-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

16¹. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш маблағлари олий таълим муассасасининг меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўтказиладиган ўқув ишларининг қутилаётган ҳажмига кўра, штатдаги профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш фонднинг 4 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар (даромадлар ва харажатлар) сметаларда назарда тутилади.

Ўқув юкмасини бажариш учун штатдаги профессор-ўқитувчилар таркибига шахсларни жалб этиш имконияти бўлмаган айрим ҳолатларда, олий таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда харажатлар (даромадлар ва харажатлар) сметаларида профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш учун назарда тутилган маблағлар доирасида ўқув ишларини меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўтказиш учун шахсларни жалб этиш ҳуқуқи берилади.

(16¹-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарорига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

V. Олий таълим муассасаларида меҳнатни нормалаштиришни ташкил этиш

Олдинги таҳрирга қаранг.

17. Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар йили ўқув йили учун тузиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган шахсий иш режаларига асосланган.

Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва маънавий-маърифий тусдаги асосий тадбирлар рўйхатини ўз ичига олади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларида йиллик шахсий иш режаси фақат ўқув тусдаги тадбирларни, уларнинг соатлар миқдорини кўрсатган ҳолда, ўз ичига олади. Ушбу соатларнинг энг кам миқдори олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан белгиланади.

Профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва маънавий-маърифий ишлари бўйича меҳнат фаолияти соатлар микдорисиз иш турлари ва мазмуни асосида лавозимларга қўйилган малака талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Олий таълим муассасасида профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва маънавий-маърифий ишлар ҳажми мазкур иш турларини бажариш зарурлигини инобатга олган ҳолда эгаллаб турган лавозим билан боғлиқ ҳолда факультет декани (кафедра мудирининг таклифлари асосида олий таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкларини ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва маънавий-маърифий ишларини белгилаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Мазкур банднинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошлари талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни ўқитишнинг модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.

(17-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 617-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 33-сон, 852-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
5-ИЛОВА

Олий таълим муассасаларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш

РАЗРЯДЛАРИ

Олдинги таҳрирга қаранг.

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари
1.	Ўқув-услубий бўлими (бошқарма), илмий-тадқиқот ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими (сектор), магистратура бўлими, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиқлари, ишлар бошқарувчиси	*
2.	Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи ўринбосари	**
3.	«Маънавият ва маърифат» ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи	16
4.	Маркетинг бўлими, буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи: 2000 ва ундан юқори нафар талаба бўлганда 2000 нафар талабадан кам бўлганда	15 14
5.	Мониторинг ва ички назорат бўлими (сектор мудирининг), халқаро бўлими бошлиқлари: 2000 ва ундан юқори нафар талаба бўлганда 2000 нафар талабадан кам бўлганда	13 12
6.	Бош муҳандис, бош бухгалтер, режа-молия бўлими (сектор) бошлиғи: 2000 ва ундан юқори нафар талаба бўлганда 2000 нафар талабадан кам бўлганда	15 14
7.	Бош энергетик, бош бухгалтер ўринбосари (аудитор), ходимлар бўлими, ўқитишнинг техник воситалари бўлими, техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиқлари: 2000 ва ундан юқори нафар талаба бўлганда 2000 нафар талабадан кам бўлганда	13 12

8.	Таҳририй-нашриёт бўлими, иккинчи бўлим, фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими ва бошқа бўлимлар бошлиқлари, матбуот котиби	12
9.	Ректор ёрдамчиси, етакчи мутахассис	8
10.	Девонхона ва архив мудирлари, услубчи, тармоқ ва тизим администратори, телефон станцияси бошлиғи, диспетчер-гараж мудирлари	7
11.	Иқтисодчи, бухгалтер: тоифасиз 2-тоифа 1-тоифа	6 7 8
12.	Муҳандис: тоифасиз 2-тоифа 1-тоифа	4 5 6
13.	Техник: тоифасиз 2-тоифа 1-тоифа	3 4 5
14.	Лаборатория, спорт иншооти, виварий, ўқув полигони, санъат саройи мудирлари, криоген станция бошлиғи	7
15.	Талабалар турар жойи, компьютер зали мудирлари, муҳаррир, фонд сақловчи	6
16.	Инспектор, диспетчер, техник муҳаррир, кабинет мудирлари	5
17.	Хўжалик, омбор мудирлари, бино комендантлари, лаборант, ғазначи, ёнғин хавфсизлиги бўйича инструктор, мусахҳих, музей кузатувчиси	4
18.	Ахборот технологиялари маркази бўлими бошлиқлари: 2000 ва ундан юқори нафар талаба бўлганда 2000 нафар талабадан кам бўлганда	9 8
19.	Ахборот ресурс маркази директори (мудир) ахборот технологиялари маркази директори: 2000 ва ундан юқори нафар талаба бўлганда 2000 нафар талабадан кам бўлганда	12 11
20.	Ахборот ресурс маркази директори ўринбосари (мудир ўринбосари): 2000 ва ундан юқори нафар талаба бўлганда 2000 нафар талабадан кам бўлганда	11 10
21.	Ахборот ресурс маркази бўлимлари мудирлари: 2000 ва ундан юқори нафар талаба бўлганда 2000 нафар талабадан кам бўлганда	10 9
22.	Библиограф, кутубхоначи: тоифасиз 2-тоифа 1-тоифа	5 6 7
23.	Бош кутубхоначи, бош мутахассис	9
24.	«Маънавият ва маърифат» ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими услубчиси	14
25.	Психолог	15
26.	Талабалар турар жойи тарбиячи-педагоги	14

* Мос равишда олий таълим муассасасининг факультет декани базавий лавозим маошига тенглаштирилади;

** Мос равишда олий таълим муассасасининг факультет декани ўринбосари базавий лавозим маошига тенглаштирилади.

(5-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 302-модда; 2010 й., 24-25-сон, 196-модда; 2014 й., 13-сон, 143-модда; 2015 й., 34-сон, 455-модда; 2016 й., 29-сон, 350-модда; 2017 й., 19-сон, 345-модда, 23-сон, 472-модда, 33-сон, 852-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/662/1764-сон)